

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири  
ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария ва  
Саидалиев С.С.**

***Ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш  
қатнашчилари!***

Мамлакатимизда ОИВ инфекциясини аҳоли, айниқса ёшлар ва касалликни юқтириб олиш ҳавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида тарқалиб кетишини олдини олиш, мазкур касаллик билан касалланган шахсларни даволаш ва эпидемиянинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Республикада ОИВ инфекциясининг профилактикаси, ОИВ билан яшовчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялашга қаратилган **“Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ-инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”**ги қонуни 2013 йил 23 сентябрида қабул қилинди. Мазкур қонун ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Республикамизда 2009 йилдан бери ОИВ билан касалланиш кўрсаткичи бир маромда турибди.

ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан, ҳомиладор аёлларни барвақт ҳисобга олиб, ОИВга текшириш, инфекция аниқланган ҳолатларда уларни антиретровирус профилактикаси билан **(ҳомиладорликнинг 14 ҳафтасидан бошлаб)** қамраб олиш, ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳомиладор аёллар ўртасида ОИВ билан касалланиш кўрсаткичи 2014 йилга келиб 0.7 % тушди. Бу эса 2008 йилга нисбатан 70.0% кам дегани. Натижада 2014 йилга келиб ОИВ билан касалланган оналардан туғилган соғлом болалар кўрсаткичи 98,3 фоизни ташкил этди.

**Табиий савол туғилади бу кўрсаткичга қандай эришилди? Албатта бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Биз 2009 йилдан бери**

**ОИВнинг онадан болага юқиши профилактикаси билан жиддий шуғулландик, соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи асосида ҳомиладорлик билан ҳомиланинг 12 хафталигигача рўйхатга олиш тизимини шакллантирдик, улар орасида ОИВ инфекцияси аниқланса ҳомиладорликнинг 14 хафтасидан бошлаб антиретровирус профилактика ўтказдик, туғиш жараёнини Кесар кесиш йўли билан амалга оширилишини тавсия қилдик, туғилган болага 4 соат ичида бошлаб антиретровирус профилактикани 28 кун давом эттирдик ва боланинг кўкрак сути билан озиқланишига йўл қўймадик. Бугунги натижамиз тиббиёт аҳлининг сайи-ҳаракатлари махсулидир. Демак сидқидилдан ҳаракат қилсак ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятга таъсир қила оламиз деб ўйлайман.**

**Ахолининг хавfli гуруҳлари ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича халқаро ва донор ташкилотлар билан ҳамкорликда мақсадга йўналтирилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида хавли гуруҳ орасида ОИВ билан касалланиш кўрсаткичи бирмунча камайди ва 2007 – 2014 йиллар оралиғида улар орасида ОИВ инфекцияси қайд этилиши 4 маротаба камайди.**

Бундан ташқари республика даражасида қуйидаги қатор тадбирлар амалга оширилди.

-ОИВ инфекциясини профилактикаси бўйича тармоқлараро ва ташкилотлараро ҳамкорликда олиб бориладиган тадбирлар кўлами, мазмуни ва моҳияти аниқланди;

-Соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари, ижро ҳокимияти ва нодавлат-нотижорат, халқаро ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик кундалик амалиётимизга жорий қилинди;

-Мамлакатда 2006 йилдан бошлаб беморларни юқори фаол антиретровирус терапия билан(ЮФАРТ) қамраб олиш ишлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда 12 мингдан кўпроқ беморлар ушбу препаратларни бепул олишмоқда. Бир нафар беморни бир йил давомида ушбу препаратлар билан даволаш учун 300-1000 АҚШ доллари миқдорида донорлар ва бюджет маблағлари сарфланмоқда;

- ОИТСга қарши кураш Марказларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.Таъмирлаш ва реконструкция, қурилиш ишлари амалга ошириш учун кейинги 3-4 йилда 10 млрд.сўм миқдорида маблағ сарфланди. Республика ва ҳудудий ОИТС

**марказларига 7 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағга 21 турдаги замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари қилинди;**

Ахолининг ОИВ инфекцияси бўйича хабардорлиги ошди, 2014 йилнинг якунига кўра **3 млн. дан ортиқ аҳоли ОИВга текшириш билан қамраб олинди.** ОИВ билан касалланган беморларни самарали даволаш, парваришlash, қўллаб-қувватlash ишлари йўлга қўйилди. Республика ОИТСга қарши кураш маркази клиникасида **ОИВ инфекциясига чалинган шахсларни қўллаб қувватlash, даволаш ва парваришlash бўйича Ўрта Очсиё ўқув маркази ташкил этилди.**

**Шу билан биргаликда ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд:**

-Хуқуқ-тартибот органлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий телерадиокомпания ва унинг жойлардаги ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган гиёҳвандлик, қўшмачилик, фоҳишабозлик каби иллатларга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ишлар етарли эмас;

-Мигрантлар ва уларнинг оила-аъзолари, никоҳланувчилар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси мавзусида тушунтириш ташвиқот ишлари самарадорлиги паст;

-ДПМларни бир маротаба ишлатиладиган шприц ва системалар, асбоб-ускуналар билан таъминоти етарли даражада эмас;

-Аҳоли орасида ОИВ билан касалланганларни таҳқирlash, камситиш ва хуқуқларини паймол қилиш ҳолатлари мавжуд;

-ОИВ инфекциясини олдини олишга ва даволашга қаратилган асосий тадбирлар Глобал жамғарма маблағлари ҳисобига амалга ошириб келинмоқда. Глобал жамғарма томонидан молиялаштириш тўхтагандан сўнг барча харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланиши керак. Бу эса қўшимча муаммоларни юзага келтиради;

-ОИВ билан касалланган беморларга кўрсатиладиган паллиатив (руҳий, ижтимоий ва б.қ.) ёрдам ташкил қилинмаган;

-ОИВ инфекцияли оналардан туғилган болаларни куруқ сут аралашмаси билан таъминlash масласини ҳал этиш зарур.

**Эътиборингиз учун Раҳмат!**